

ЎРТА ОСИЁ ХАТТОТЛИК МАКТАБЛАРИ ТАРИХИДАН

Бухарбаев Ёқуб Мамасолиевич

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти катта ўқитувчиси,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўрта Осиёлик машҳур хаттотлар ва хаттотлик мактаблари юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Калим сўзлар: “Дабирлик ва котиблик зикрида”, Кайковус “Қобуснома”, “Қиблат ул-кутуб” (“Котибларнинг пешвоси”).

Аждодларимизнинг бебаҳо маънавий меросини ўрганиш ва халқимизни таништириш катта шараф бўлиш билан бирга давр талаби ҳамдир. Жумладан, ноёб қўлёзмаларни бизгача етиб келишида ўзининг улкан ҳисасини қўшган хаттот ва котибларнинг фаолияти, фойдаланган хат турларини ўрганмасдан туриб, маънавий меросимизни тадқиқ қилинса, масалага бир томонлама ёндашилган бўлинади. Зеро, хат тури орқали асар тарихи аниқланади. Шундай экан, ёзув тарихи ҳақида қисқача изоҳ бериш лозим топилди.

Дарҳақиқат, илм эгаллашнинг ўзи бўлмайди. Уни асраш ва кейинги авлодларга тўлиқ етказиш янада масъулиятлироқдир. Зеро, илм омонатдир. Шу сабабли аждодларимиз олган илмларини ёдда сақлаш билан бир қаторда уни ўзларидан кейингиларга етказиш мақсадида китоблар ёзиб қолдирганлар. Китоблар тушунарли бўлишида хуснихат қонун-қоидаларига жиддий аҳамият берганлар. Неча ўн асрлардан буён илму ирфон муаллифларнинг қўлёзмалари ёки улардан кейинги моҳир хаттотлар томонидан кўчирилган китоблар орқали бизгача етиб келди. Ҳамма замонда ҳам хуснихатга жуда катта эътибор берилган. Бу анъана то бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Аждодларимизнинг бебаҳо меросларини ўрганиш, улар қолдирган асарлар билан халқимизни таништириш эса катта шарафдир.

Хаттотлик ва китобат санъати машриқзамин аҳолининг узок асрлик маданий-тарихий меросида алоҳида ўрин эгаллайди. Марказий Осиё халқи томонидан ислом динининг қабул қилиниши араб ёзувининг ҳам кириб келишига сабаб бўлди. Натижада араб ёзуви VII асрдан бу халқ учун илм-фан ва давлат ишларида ягона расмий ёзув сифатида ўрин олади.

Машхур хаттотлар хатларининг чиройли ва жозибадор бўлиши учун араб ҳарфларининг ҳар бирига оро беришга, ҳусн киритишга ва уларни гўзаллаштиришга ҳаракат қилганлар. Араб ҳарфи билан ёзиладиган 36 хат шакли мавжуд. Таъкидлаш жоизки, ҳуснихат билан битилган араб ёзуви кишиларни ҳаяжонга солиб, уларга юксак завқ-шавқ бағишлаши билан дунёдаги бошқа халқлар ёзувидан ажралиб туради. Бу санъат қадим замонлардан бери ҳуснихат (каллиграфия) номи билан шуҳрат қозонган. Ўрта асрларда ҳали китоб чоп этиш ихтиро этилмаган даврда ҳар қандай асар қўлда кўчирилиб, китобат қилинган. Китоб кўчириш илм даражасидаги ҳунар ҳисобланиб, бу иш билан шуғулланган кишилар хаттотлар ва котиблар номи билан машҳур бўлганлар¹.

Ҳар бир замонда ҳам гўзал хат сирларини ўзлаштиришга тарғиб қилинган. Жумладан, Кайковус “Қобуснома” китобининг ўттиз тўққизинчи бобини “Дабирлик ва котиблик зикрида” деб номлаган ва шу бобнинг илк сатрларини шундай деб бошлаган: “Эй фарзанд, агар дабир ва котиб бўлсанг, ёзма нутқни яхши эгаллағил, хатни яхши билғил ва кўп ёзмоқни одат қилғил, токи яхшироқ моҳир бўлғайсан”.

Қўлёзмаларни китоб ҳолига келтириш эса мураккаб ва машаққатли ҳамда ўта масъулиятли жараён бўлиб, унда бир неча мутахассис иштирок этган. Улардан биринчи даражадагилари – қоғозрез (қоғоз тайёрловчи), хаттот (хат ёзувчи), захҳоб (зарҳал берувчи), наққош (нақш чизувчи), лаввоҳ (сарлавҳа ва жадвалларни зийнатловчи), пош (тилла сувини юлдуз каби сочувчи), мусаввир (қўлёзмага миниатюралар чизувчи рассом) ва саҳҳоф (муқовасоз). Хат санъати устодлари ва Ўрта Осиёда ўтган хаттотлар тўғрисидаги муҳим тазкираларда Хирот, Бухоро, Самарқанд, Хива, Фарғона ва Тошкент хаттотлик мактаблари ҳамда уларнинг дарғалари, ихтирочилари бўлмиш моҳир котиб-хаттотлар ҳақида жуда қимматли маълумотлар тақдим этилган.

Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиши билан араб ёзуви асосидаги хаттотлик ва китобат санъати ривожлана бошлади. Настаълиқ хати XIV асрда ижод этилди. Бу ёзувдан расмий ва шахсий ёзишмалар, ҳужжатларда фойдаланилган. Асосчиси **Хожа Мир Али Табризий** (1330-1405) “**Қиблат ул-кутуб**” (“Котибларнинг пешвоси”) унвони билан шарафланган хаттот, настаълиқ хатининг ихтирочиси ҳисобланади.

Шайбонийлар даврида хаттотлик мактаблари янги марраларга кўтарилди. Шайбонийлар давлатларига пойтахт этиб Бухоро шаҳрини ихтиёр қилдилар. Айтиш мумкинки, Бухоро иккинчи марта ўз даврининг тенгсиз марказига айланди. Чунки тарихдан бугунги кунгача маълумки қайси шаҳар пойтахт бўлса,

ўша ерда илмий муҳитнинг ривожланиши юқори бўлади. Амир Убайдуллохоннинг ташаббуси билан пойтахтга уста ҳунармандлар, олимлар, шунингдек, энг моҳир хаттотлар жалб қилинди. Бу эса ўзининг амалий натижасини берди. Хусусан, Мир Али Ҳиравийнинг Бухорога олиб келиниши ва бухоролик хаттотлар билан бирга Бухоро хаттотлик мактабига асос солинди. Натижада **Мир Убайд Бухорий** (ваф. 1601 й.) XVI–XVII асрларда Бухорода яшаб ижод қилган, насх хати асосида янги хат равиши “Насхи Бухорий” (“Мир Убайд”) хатининг ихтирочиси. “Насхи Мир Убайдий” ёхуд “Насхи Бухорий” деб атала бошланади. Дарҳақиқат, ушбу хат мафтункорлиги ва жозибadorлиги билан бошқа хат турларидан ажралиб туради. Бу хат билан Мир Убайд Бухорийнинг довуғи ва таърифи тез орада бутун Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Madatovna, K. M. (2022). *APPROACHES AND METHODS OF TEACHING ENGLISH: ORAL APPROACH, SITUATIONAL LANGUAGE TEACHING AND AUDIO-SPEECH METHOD*. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(11), 91-94.

2. Jabborov, N. (2021). *The history of the text and some comments on its genesis*. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(6), 632-636.

3. *Кайкавус. Қобуснома. (129-бет) Тошкент “Ўқитувчи” 1986.*